

## **ТАРИХИЙ АСАРЛАРДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРЖИМАСИГА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЁНДАШУВ**

**Тажибоева Фотимахон Вохиджон кизи**  
ЎзДЖТУ Лингвистика ёналиши магистранти

### **ANNOTATSIYASI:**

Тил ва маданият муносабати масаласи мураккаб, жуда қийин ҳамда кўп томонлама муҳокамани талаб қиласиган масаладир. Улар тадқиқига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур бўлади, акс ҳолда бу икки турдаги семантик тизимни ягона бир қолипга тушириш хавфи ҳам йўқ эмас<sup>1</sup>. Шунинг билан биргаликда бу икки тизимнинг ўзаро ўхшаш, умумийлик томонлари ҳам мавжудлигини унутмаслик лозим. В.Н.Телия бундай умумийликни қўйидагиларда кўради:

маданият, худди лисон каби инсон дунёқарашини акс эттирувчи онг шаклидир;  
тил ва маданият ўзаро муносабатда, мулокотда бўлади;  
тил ва маданиятнинг субъекти – бу доимо индивид ёки ижтимоий гуруҳ – жамоа шахс ёки жамият;  
меъёрийлик – тил ва маданият учун умумий жиҳат;  
тарихийлик – тил ва маданиятнинг муҳим хусусиятидир;  
тил ва маданият «динамика – статика» қарама-қаршилиги бир хилликка хосдир<sup>2</sup>.

**Kalit so’z:** Тил, маданият, Бобурнома, макол, матал, лингвокультурология, лингвомаданият.

Тил ва маданият ўртасидаги умумийлик қанчалик даражада бўлмасин, уларни фарқловчи хусусиятлар ҳам етарлидир. Бу фарқ, биринчи навбатда, ушбу икки ҳодисанинг тизимиийлик кўрсаткичларида намоён бўлади. Маданият ҳам белгилар системасидир, аммо ушбу система, тил тизимидан фарқли ўлароқ, ўз-ўзидан тартиблашиш, тизимлашиш хусусиятига эга эмас. Тил ва маданият тизимлари таркибидаги белгилар структуравий тузилиши ва бажарадиган вазифаларига кўра кескин фарқ қилишларига нисбатан тамоман бошқа системалар сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, тил барча учун бир хил вазифа бажарувчи, «жамоавий адресатли» ҳодиса бўлса, маданиятда эса кўпроқ элитарлик (саралик) намоён бўлади.

Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслиятда мансуб бўлган тилдан ташқари яна қатор халқлар лафзларида учраши, жумладан таржима тили луғат захирасининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин. Бундай сўзлар ҳудуд, турмуш-шароит жиҳатларидан бир-бирларига яқин, доимий муносабат ва мулокотда бўлиб турадиган халқлар лафзида кўпроқ<sup>3</sup>.

Ҳар бир бадиий ёдгорлик муайян бир даврда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни тасвирлайди. Шунга кўра, тарихий мавзуда битилган асар ҳозирги замон китобхонини халқ ҳаётининг тарихи билан таниширади. Табиийки, бундай асар давр эҳтиёжига мувофиқ тарзда ҳад-ҳисобсиз тарихий ва архаик лисоний воситалар билан тўлиб-тошган бўладики, улар китобхон кўз олдида давр руҳини, нафасини жонлантириш билан бирга асарнинг бадиий эстетик таъсиричанлигини ҳам оширади.

<sup>1</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты.– М.: «Языки русской культуры», 1996. С.225-226.

<sup>2</sup> Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты.– М.: «Языки русской культуры», 1996. С.225-226.

<sup>3</sup> Федоров Л. В. Основы общей теории перевода. –Москва.: «Высшая школа». 1968, -С.181-188.

Аслият руҳини бекаму кўст қайта яратиш масъулияти таржимон олдига тил воситаларини аслиймонанд истифода этиш йўли билан асар яратилган давр руҳини ҳаққоний талқин этиш вазифасини қўяди.

Захириддин Мұхаммад Бобурнинг «Бобурнома» асари ҳам чет эл тадқиқотчилари томонидан, ҳам ўзбек олимлари томонидан етарлича ўрганилган. Уч аср оша унинг бир нечта инглизча таржималари матни тайёр бўлди. Эндиликда эса «Бобурнома»нинг ўзи эмас, балки унинг таржималари тарихи ва таржима адекватлари ўрганилмоқда. Маданият миллатнинг тилида, муомаласида, юриш-туриши, ҳаёт тарзи, байрамларида намоён бўлгани каби «Бобурнома»нинг ҳам лексикасида ҳеч қайси бир асарда ифодаланмаган фразеологик бирликлар, мақоллар, маталлар, афоризмлар қўлланган.

Европа олимлари Алишер Навоий, Бобур ва бошқа Мовароуннаҳрда яшаб, ижод этган тарихий шахслар ҳақида бир мунча бўлса-да, маълумотга эга эдилар. Ўрта Осиё ҳалқларининг урф-одатлари, турмуш тарзи, фан тараққиёти, адабиёти, ранг-баранг тил ва маданияти Европаликлар учун маълум даражада экзотик, географик жой ҳисобланган. «Бобурнома»ни Европаликлар дастлаб қай мақсадларда таржима қилган бўлсалар, кейинги пайтларда унинг тили ва маданияти ҳам уларни янада қизиқтириб қолган. Захириддин Мұхаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида таъкидлашича, «Илм билан ёдланишни ҳакимлар иккинчи умр демишлар», дейиши бугунги кунда унинг асарини эъзозлаб ўрганишга бўлаётган талаб ва қадриятни англатади. Унинг тили ва маданияти аждодларимиз тили ва маданиятидан дарак беради.

Тилшуносликда «лингвокультурология» термини ҳозирги кунда «лингвомаданият» термини билан ҳам ифода этилмоқда. Сўнгги йилларда мазкур фан бўйича бир қанча тадқиқот ишлари амалга оширилганлигини кўриш мумкин (В.А. Маслова, Ю.С.Степанов, В.В. Воробьёв, С.Акбарова, Б.Исмаилова, Г.Ш.Атаханова ва бошқ). Шу ўринда, олимларнинг «маданият» тушунчасига берган таърифларини таҳлил қилиш ҳам жоиз: “Ҳар бир ҳалқ маданияти якка ва мустакил эмас, балки у бошқалари билан алоқадор, шунинг учун улар таржимада баъзилари озгина ўзгарса, бир хиллари умуман йўқ бўлиб кетади. «Маданият» тушунчаси ўз ичига иш фаолиятининг йўллари ва услублари, қизиқишлиари, урф-одатлар, ритуаллар, мулокот хусусиятлари, дунёқарааш, дунёни англаш каби хусусиятларни мужассам этади. Масалан, ернинг бир чеккасида ётган *тоши* маданият эмас, лекин ўтиб кетган аждодлар қабрига қўйилган *тоши* маданиятга киради, у тегишли ҳалқнинг ҳаёт тарзи, анъана, урф-одатлари, дунёқарашидан далолат беради. Миллий маданият бошқа миллатлар маданияти билан ҳам алоқада бўлади”.<sup>4</sup> М.М.Бахтин бу ҳақда шундай дейди: «Биз бирорларнинг маданиятига ўзи қўймаган янги саволларни қўямиз ва жавоблар қидирамиз. Натижада, ўша маданият эгалари маданиятимизнинг хусусиятларини очиб берган ҳолда жавоб берадилар».

А.А.Абдуазизовнинг таъкидлашича, бу соҳа фақат маданият билан эмас, балки у орқали турли миллий урф-одатлар, диний ҳодисалар, миллий концептлар, дунёнинг тил орқали онгли ҳис қилиш воситаларини ўрганади<sup>5</sup>.

Олимлар тил бирлигининг миллий-маданий хусусиятларини турли терминлар билан изоҳлайдилар. Баъзи олимлар унинг тилшуносликда «маданий компонент», «социал-маданий сема», «маданий коэффициент», «миллий-маданий маъно» каби атамалар билан номланишини таъкидлаб ўтсалар, айримлари эса уни мазкур фанда «миллий хусусият», «маънонинг миллий-маданий кўринишининг ўзига хослиги», «миллий-маданий изоҳ», «миллий-маҳсус маъно», «миллийликка хос бўлган сема», «маънонинг

<sup>4</sup> Исмаилова Б. Категория образности и средсва ее выражения в словообразовательных системах английского и киргизского языков: Дисс. ... канд. филол. наук. – Т.: ТГПИ, 1989.–150 с.

<sup>5</sup> Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. 2-нашри. – Тошкент.: Шарқ, 2010. – Б.85 – 161.

маданий компоненти», «миллий-маданий хослик», «миллий-колорит», «миллий-маданий семантика», «миллий-маданий жиҳат (специфика)», «миллий тегишилилек семаси» каби атамалар орқали номланишини қайд этиб ўтганлар<sup>6</sup>. Нутқ маданиятини юқори даражага кўтариш жамият тараққиёти талаби ўлароқ, фразеологик бирликнинг фонетик курилишини, грамматик меъёрларини, лексик-семантический, услугбий хусусиятларининг ясалиш, ўзгариш, қўшилиш-бирикиш қонуниятларини акс эттирувчи адабий меъёрларни аниқлаш ишларини янада чукурлаштиришни талаб этади.

Ўзбек адабий тили сўз бойлиги, грамматик курилиши ва услуби анча мукаммаллашган тиллардан бўлиб, ҳар қандай мураккаб фикрни ҳам тўла ва равон ифода этади. Таржима асарларининг яратилиши ва уларнинг дунё юзини кўришда лингвомаданиятшуносликнинг муҳим ўрни бор. Тарихий асарлардагидаги фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятларини таҳлил қиласиз, бевосита асарнинг таржималарида лингвомаданиятшунослик аспектлар ролини ёрқинроқ ифодалашга ҳаракат қиласиз. Биз уларни қўйидаги мисолларда белгилаймиз.

«Бобурнома»даги қўйидаги парчада шундай дейилади: *Биз дедукким, Худой муни мундоқ келтурди, отининг бўйни қотиб келибтур, юруб илик қўшгондин кейин Тенгри рост келтирса бириси чиқмас, ... [43,73]*. Мазкур парчадаги отининг бўйни қотиб келибтур ва Тенгри рост келтирса фразеологик бирликлардир.

Бир қаращдан юқоридаги бирликлар оддий бирикмаларга ўхшайди, лекин яхшилаб эътибор бериб ўрганилса, уларнинг хусусиятлари матн ичидаги очилади. Маълумки, Европа ҳалқлари ҳайвонларга нисбатан ўта меҳрибон бўлишлари, ҳатто ўз итини оила аъзоси қаторида кўришлари ҳам уларга хос хусусиятни кўрсатади. Мовароуннаҳрда яшаган ҳалқларнинг ҳайвонларга нисбатан муносабати яхши бўлса ҳам, уларни оила аъзоси тарзида қабул қила олмайди ва бу фарқ уларнинг тилида ҳам акс этади. Европаликлар каби ит, мушук ва шу билан бирга энг беозор жониворлардан бири бўлган от ҳам оила аъзоси деб қабул қилинмайди. Аксинча тарихда жанг жадалга яроқсиз бўлғанларни тўдадан ажратиб, уларни сўйиб аскарларга озуқа сифатида гўшти тановвул қилинган. Хусусан «Бобурнома»да ҳам бу ҳақда маълумотлар бор. Шу нуқтаи назардан отининг бўйни қотиб келибтур фразеологик бирлики миллий ва маҳаллий тилга хос бўлиб, мазмуни тез келмоқ, бир отга минганда келмоқ, тўхтамай келмоқ, отга дам бермай келмоқ ёки бўлмаса «Бобурнома»даги от советтирмай, отга бўғуз бермай келмоқ мазмунида берилади. Отининг бўйни қотиб келибтур ва Тенгри рост келтирса бирликларининг таржима вариантлари билан танишиб чиқамиз. – *Биз дедукким, Худой муни мундоқ келтурди, отининг бўйни қотиб келибтур, юруб илик қўшгондин кейин Тенгри рост келтирса бириси чиқмас. [43, 73]*.

Ушбу жумлани атоқли таржимон Лейден-Эрскин таржимасида: “*It is God himself that has conducted them hither, and brought them so far to fatigue their horses! Let us come on, and by the favour of God, not one of those who have fallen into our hands shall escape out of them [174, 76].* – Оллоҳнинг ўзи бу ерга уларни шунчалик узоқ йўлдан отларининг бўйини толиқтириб келтирган! Келинг, буни қўя турайлик ва лекин Оллоҳнинг истагисиз уларнинг ҳеч қайси бири бизнинг қўлнимиздан чиқиб кетолмас” каби берилганини кўришимиз мумкин.

Ушбу таржимада отининг бўйни қотиб келибтур фразеологик бирлики *so far to fatigue their horses; Тенгри рост келтирса* фразеологик бирлики *by the favour of God*, яъни

<sup>6</sup> Атаканова Г.Ш. Номинация возраст человека в когнитивно-прагматическом и лингвокультурологическом аспектах (на материале английского языка): Дисс. ...канд. филол.наук .– Тошкент.: НУУз им. М. Улугбека, 2006. – 1164 с. С.78 - 82.

Оллоҳнинг истаги билан шунчалик узоқ йўлдан отларининг бўйни толиқиб келган тарзида таржима қилинган.

Юқоридаги аслият мисолининг таржимаси хассос таржимон С.Бевериж тилида: “*It is God has brought them in this fashion! here they have come with their horses' necks at full stretch; if we join hands and go out, and if God brings it right, not a one of them will get off*” [171, 117]. Яъниким, Оллоҳ уларни шу алфозда келтирди! Улар бу ерга отларининг бўйинлари олдига буткул чўзилган ҳолатда” шошиб келган тарзида; қўлни қўлга берсак ва ҳаракат қилсак, агар Тангри буни рост келтирса, (ишимиз ўнгидан келса) бирортаси ҳам қочиб кетолмайди. *Отининг бўйни қотиб келибтурни with their horses' necks at full stretch – отларининг бўйинлари буткул олдинга чўзилган ҳолатда* тарзида берилса, *Тенгри рост келтирса* иборасини *God bring it right* – агар Тангри буни рост келтирса тарзида таржима қилинган.

Айни ушбу таҳлил қилинаётган жумла яна бир таржимон В.Текстон таржимасида: *God has brought him in this fashion, we said. He has come at full gallop. If we strike, and if God wills, not one of them will escape* [175, 86]. – «Худонинг ўзи уни бу ҳолатда келтирди», – дедик биз. У буткул отини елдириб, учирив келган. Агар биз жсанг қилсак ва агар Худо ҳоҳласа, ҳеч қайси бири қочиб қутулмайди». Отининг бўйни қотиб келибтур – at full gallop – буткул отини елдириб, учирив мазмунида, *Тенгри рост келтирса – if God wills – агар Худо ҳоҳласа* тарзида таржима қилинган.

Уч турдаги таржималарни қиёсий ўрганган тадқиқотчилар, таржимлар орасидаги С.Беверижнинг *Тенгри рост келтирса* фразеологик бирликининг муқобили *God bring it right* деб хисобласак, В.Текстондаги *at full gallop* нинг муқобили *отининг бўйни қотиб келибтур* аслият мазмуни билан мутаносиблигини таъкидлайдилар. Тиллар тараққиёти тарихидан маълумки, мутафаккирлар ўз тиллари маданияти масалаларига бефарқ қарамасдан, унинг такомиллашуви, фикр баён қилиш имкониятининг кенгайишига муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Тарихий асарларнинг, жумладан, «Бобурнома»нинг бир неча бор қилинган таржималари ҳам албатта тилнинг бойишига ва фразеологик бирликларнинг бир эмас бир нечта муқобиллари яратилишига сабаб бўлди. Асарнинг ёзилиш услуби ва ундаги фактик маълумотларнинг мўллиги, ҳар бир мақол, матал ва фразеологик бирликлар шунчаки ифодаланмаган. Миллатга хосликнинг белгиларидан бири унинг диний мавжудлигидadir. «Бобурнома»да жуда кўп ҳолларда шунга кўпроқ эътибор берилган ва жумлаларда диний тушунчалар қуидагича акс этади: *Бойсунқур мирзо таҳорат қўилмоқ баҳонаси била Бўстон саройининг шарқ-шимол тарафидаги иморатлардин бир уйга кирди* [43, 54].

*Таҳорат олии* мусулмон дин вакилининг намоз ўқишига тайёргарликнинг биринчи қадами, покланиш бўлса, бу бошқа дин вакилларининг амалидан фарқ қиласди. Бу белгилар таржимонлар томонидан қандай берилганлиги эътиборга моликдир.

Юқоридаги мисол таржимаси “*Baiesanghar Mirza, under pretence of a necessary occasion, entered an edifice on the north-east of the palace gardens*” [174, 39]. Яъниким, *таҳорат қўилмоқ* мазмунини тўлиқ ва айнан бермай *under pretence of a necessary occasion* – зарур иш баҳонаси билан тарзида таржима қилинганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Тил ва маданият ўртасидаги детерминизм, яъни ўзаро бир-бирини тақозо этиш. Шу сабабли турли мамлакат олимлари томонидан тил ва маданият муносабати масаласи турли йўналишларда ўрганилаётганлиги табиийдир. Бу муаммо тилшунослар (Ю.Сорокин, В.Телия, Е.Верешагин, А.Вежбицкая, В.Костомаров, Д.Олфорд, Д.Хаймс кабилар) билан файласуфларнинг (Г.Брутян, Э.Маркарян ва бошқалар), психологларнинг (Л.Выготский, А.Леонтьев, В.Петренко, П.Гульвисте) эътиборини тортиб келмоқда. Бу масала нутқ маданиятига оид тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллайди (Ю.Скворцов, Э.Бегматов, А.Маматов, Б.Ўринбоев ва бошқалар). Кейинги йилларда

тилшунослиқда лингвокультурологиянинг алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида ривожланиши (В.Красных, В.Маслова, Д.Гудков, С.Тер-Минасова, Д.Ашурова) бу масаланинг долзарблашишига сабаб бўлмоқда<sup>7</sup>.

Миллий-маданий хусусиятларни, унинг бевосита маданий муҳит билан боғлиқ томонларини илмий асослашга биринчилардан бўлиб ҳаракат қилган тилшунос олимлар В.Гумбольдт ва Э.Сепирлардир. Улар миллий тиллар лугат ва грамматик тизимлари ўртасидаги фарқни тил соҳиблари – инсонларнинг воқеликни қабул қилиш ва идрок этишдаги фарқ билан боғлашга ҳаракат қилишган.

В.Гумбольдт турли миллат ва маданият вакилларининг воқелик ҳақида тасаввури мос келмаслигини исботламоқчи бўлади. «Турли тиллар-ягона бир предметни турлича номланишидан кўра, ушбу предметни турлича қўриш, идрок этишди»<sup>8</sup>. Воқеликни турлича «қўриш» ҳамда категориялаштириш, айниқса, грамматик тизимлар қиёсида аниқ намоён бўлади. Э.Сепирнинг образли таърифича, «тил айрим ҳолларда ўз таснифларида бемантиқ ва қайсар. У ўзининг қатъий чегарали каптархоналарига эга бўлишни истайди ҳамда каптарларнинг бир уядан иккинчисига учиб ўтишига йўл қўймайди. Ифодага талабгор ҳар қандай тушунча тасниф қоидаларига бўйсуниши лозим»<sup>9</sup>. Тасниф қоидаларининг муҳимлиги ментал ҳаракатларда ҳам ўз аксини топади. Тил маданияти умуммаданиятнинг ажralмас қисми бўлиб, унинг юксалишида кучли қуролдир. Тил ижтимоий ҳаётда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир кишидан тилнинг тараққиёт қонунларини мукаммал билиши, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Ҳар бир шахснинг лисоний қобилияти ва мулоқот малакаси маълум маданият худудида, маданий муҳитда шакл топади ва фаоллашади.

**Адабиётлар:**

1. Online Etymology Dictionary.
2. Oxford Advanced Learner's Dictionary. – Oxford: Oxford University Press, 1995. – 1430 p.
3. Oxford Dictionary of Proverbs/ Ed. by Jennifer Speake. – Oxford University Press, 2008. – 625 p.
4. Smith W.G. The Oxford Dictionary of English Proverbs. – Oxford, 1935. – P.13.
5. Webster's New world Dictionary. – New York: USA, 1981. – 1120 p.
6. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
7. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. О пословицах, поговорках и крылатых выражениях в лингвострановедческом учебном словаре // В кн.: Русские пословицы, поговорки и крылатые выражения. Лингвострановедческий словарь. – М.: Русский язык, 1979. – С. 3-17.
8. Григорьева А.И. 1000 русских и английских пословиц и поговорок. – Москва, 2010. – С.508.
9. Краткий узбекско-русский фразеологический словарь // Содикова М. – Т.:СЭ, 1989. – 336 с.
10. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. 944 с.

<sup>7</sup>

<sup>8</sup> Гумбольдт фон В. Избранные труды по языкоznанию. – М.: «Прогресс», 1984.–397 с.

<sup>9</sup> Сепир Э. Грауддирование. Семантическое исследование. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике: Вып. 16., Прагматика.– Прогресс: 1985.– С. 43-78.

**International Conference on Developments in Education  
Hosted from Amsterdam, Netherlands**

**<https://econferencezone.org>**

**April 30<sup>th</sup> 2022**

11. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.  
Тошкент: Университет, 1978. – 680 б.